



# ВАТАНПАРВАР



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИНИНГ МАХСУС СОНИ

● 1997 йил, 3 июль, ПАЙШАНБА № 79 (875).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК ЦЕНТРАЛЬНОГО  
ПЕЧАТНОГО ОРГАНА МИНИСТЕРСТВА  
ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● ЧЕТВЕРГ, 3 июля 1997 г. № 79 (875).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

● УЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ШОН-ШУХРАТИ  
МУЗЕЙИДА

## Алоҳида қимматли экспонат

Президент Ислам Каримов  
Ўзбекистон Олимпия шон-шухрати музейига Осиё олимпия кенгашининг олтин орденини топширди. Республикаимиз Президентини Осиё қитъасида олимпия анъаналариш қарор топтириш ва кўпайтиришга, ўз мамлакатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссаси учун шу орден билан мукофотланган эди. 1 июль куни фахрий мукофотни музейга тантанали вазиятда топшириш маросими бўлди. Тантанали маросимни Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов очди.

Эндиликда Президентимизнинг иккита фахрий олимпия мукофоти — Халқаро олимпия қўмитасининг олтин ордени ва Осиё олимпия кенгашининг олтин

ордени Олимпия шон-шухрати музейи экспозициясини муносиб равишда безаб туради. Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев музей жамоасига бу совғани топшириб, давлатимиз бошлиғи шу тўнфадаги давлат арбоблари орасида биринчи бўлиб Осиё олимпия кенгашининг олтин ордени билан мукофотланганини таъкидлади. Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад орденини топшириш чоғида қайд этганидек, бу юксак мукофот Ислам Каримовнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, унинг Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги гам-хўрлиги халқаро миқёсда эътироф этилганини акс эттиради.

## Ғалла ўрим-йиғимини жадаллаштириш зарур

Республикаимиз деҳқонлари бу йил ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Хирмонга тўқилган дон 1,5 миллион тоннага етай деб қолди. Аммо ҳосилнинг ярмидан кўпи ҳали далада. Уни пестобуд қилмай қисқа фурсатда саранжомлаб олиш зарур.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлигида 2 июль куни сим орқали ўтказилган кенгашида ана шу ҳақда гап борди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгашининг раиси, барча вилоят, туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари, тегишли ташкилот ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Кенгаши республика бош вазирининг биринчи ўринбосари Н. Жўрабеков бошқарди.

Кенгашида қишлоқ хўжалик мажмуидаги кўпгина соҳаларда аҳвол кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланди. Айрим туманлар ва хўжаликлар раҳбарлари фаолиятида ташаббускорлик ва ташкилотчилик етишмаётганлиги ғалла ўрим-йиғимида ҳам, хашак тайёрлаш, ғўза парваришида ҳам кўза яққол ташланмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, республикада мавжуд техника воситаларидан тўлиқ фойдаланилганда, бугунга келиб ўрим-йиғим ишлари ниҳоялаб қолган бўларди. Лекин талайгина хўжаликларнинг раҳбарлари мавжуд комбайнлар ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш ўрнига, турли баҳоналарни рўқач қилмоқда. Бунинг оқибатида ўрим-йиғим ҳал қилувчи паллага кирган ҳозирги вақтда комбайнларнинг бекор туриб қолишига йўл қўйил-

моқда. Чимбой, Кегайли, Пахтакор, Жиззах ва бошқа туманлардаги хўжаликларда бу борадаги иш, айниқса қонқарез ташкил этилган, Ваҳодани, ғалла ўрим-йиғимининг кечикиши унинг талон-тарож қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Кенгашида уруғлик ғалла жамғариш, ҳосилдан бўшаган ерларни пешмапеш шудгорлаб, такрорий экинлар экишни жадаллаштириш шу куннинг долзарб вазифаси эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Чорва учун ем-хашак жамғариш ишлари ҳам ўлда-жўлда қолмоқда. Бу йил баҳор серегин келиши натижасида табиий хашак мўл бўлди. Шунга қарамай, Навоий, Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ем-хашак тайёрлаш, айниқса оқсамоқда.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, ғўзага ишлов беришда ҳам анча камчиликларга йўл қўйилаётир. Натижада кўпгина хўжаликларда пахта ривож кечикиб, 30—35 фоз майдонда ғўза эндигина гулга кирди.

Сим орқали мулоқотда бор имкониятдан фойдаланиб, ғалла ўрим-йиғимини қисқа фурсатда тугаллаш, ғўза парвариши ва ем-хашак тайёрлашни янада жадаллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кенгашида республика бош вазирининг ўринбосарлари А. Муҳиддинов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Қ. Ҳақнулов қатнашди.

(ЎЗА).

● УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
6 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Инсон ҳар бир қутлуг санага нима биландир ўз улушини қўшолса, уни бахтиёрлик лаҳзалари оғушига олади. Чунончи, қадами қутлуг келган истиқлолимизнинг ҳар йилида эришилаётган янги, янги ютуқлар, истиқболли режалар ҳам ана шундай сурурли оиларга уйғунлашади. Оддий аскар А. Эшмуродов жонажон қисмида хизматини аъло ўташ, жанговар шайлиқни янада ошириш орқали истиқлолнинг 6 йиллигига фарзандлик улушини қўшишга қатъий аҳд қилган.

А. КАРИМОВ олган сурат.

## „МИЛЛИОН НА МИЛЛИОН“

Начался летний период обучения и словно по заказу погода установилась. Как говорят летчики, «миллион на миллион», что означает видимость почти до бесконечности.

Наблюдаю за приземлением самолета, который ведет майор М. Исмураев. Посадка, можно смело сказать, — классическая, даже специалисту трудно определить момент касания колес взлетно-посадочной полосы. Молодые летчики только завистливо переглянулись. А мне вспомнился происшедший не так много времени назад разговор. Экипажу было поручено доставить стекло для Музея истории Темуридов. Долго мы тогда с ним говорили. О будущем нашего государства, о его великом прошлом. О том, что не случайно именно ему — заместителю командира части

по работе с личным составом был доверен этот ответственный рейс.

Майор М. Исмураев, человек совестливый, а летчик просто замечательный. Он сделал свое дело идеально — ни единой царапины не было на ценном и хрупком грузе. «Ну, вот и вы, товарищ майор, — шутили сослуживцы, — вписали свое имя в историю».

Такие летчики, как майор М. Исмураев — люди удивительной, гордой натуры. Они готовы летать хоть каждый день, днем и ночью, в выходные и праздники. Хотя это совсем не просто — подняться в небо современный лайнер весом в

190 тонн. А с какой гордостью несут они на крыльях и фюзеляжах своих самолетов Государственный флаг Республики Узбекистан. В разных государствах мира видят этот символ нашей независимости и везде восхищаются мастерством наших летчиков, демонстрирующих высокий профессионализм.

Предстоящее празднование 6-й годовщины Республики Узбекистан безусловно накладывает на боевую учебу военных летчиков определенный отпечаток. Душевный подъем, стремление лучше выполнить поставленные задачи, посвятить свои душевные порывы любовью Родине — все это способствует тому, что поставленные к этому сроку учебно-боевые задачи будут выполнены с честью.

Полковник  
М. АРИПОВ.

● ЛУИЗИАНАДАН ХАБАР

## Машқлар ниҳоясига етди

«Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига мувофиқ ўтказилаётган «Кооператив Нэгет-97» ҳарбий машқлари 29 июнь — якшанба кунни ниҳоясига етди. Нигирма икки мамлакат Қуролли Кучлари вакиллари иштирокида Америка Қўшма Штатларининг Луизиана штатидаги Форт-Полк ҳарбий базасида тинч-тотувлик ва ҳамкорлик руҳида бўлиб ўтган ушбу машқларда мустақил Ўзбекистонимиз взводи шахсий тарки-

би ҳам фаоллик, фидойилик ҳамда ватанпарварлик намуналарини намойиш этди.

Америка армиясининг катта сержанти Стефан Хэральд ҳам бултур Фаргона гарнизонида «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури бўйича ўтказилган «Ультрabalанс-96» ҳарбий машқларида қатнашган эди. У бу йил ҳам Ўзбекистонга келиб, Форт-Полкдаги машқларда иштирок этадиган аскараро офицерларимиз билан яқиндан таниш-

ди, океан орти сафари пайтида уларга ҳамкорлик қилди. Шунингдек, «Кооператив Нэгет-97» ҳарбий машқларида америкалик ҳамкасблари билан биргаликда взвод шахсий таркибининг йўриқчи-кузатувчиси бўлди. Қуйида унинг Ўзбекистон, ўзбек халқи, армиямиз ва аскарларимиз ҳақида билдирган фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

— Авваламбор айтишим керакки, — дейди америкалик ҳарбий мутахассис, — мен Ўзбекистон, унинг пой-

(Давоми 2.бетда.)

новости  
республики

Первый торжественный выпуск офицеров, завершивших курс вузовского обучения, проведен в Институте службы национальной безопасности. Созданный вскоре после провозглашения Узбекистаном государственной независимости по инициативе Президента Ислама Каримова, этот вуз, который был сформирован на базе имевшегося в Ташкенте профильного учебного центра, быстро вошел в число наиболее престижных специальных учебных заведений республики. Наряду со специальным военным офицерским обра-

зованием, в дипломе его выпускников значится и гражданская специальность юриста-правоведа, обладающего знанием иностранных языков.

Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасида «Менежер» деб номланган янги журналнинг тақдимот маросими бўлди. Журнал бугунги кунда мамлакат иқтисодиётига бошқараётган ҳамда эртага масъул қарорлар қабул қиладиган кишиларга мўлжалланган. Унда долзарб ахборотдан ташқари менежмент, маркетинг, сармоёлар, банк-молия соҳаси бўйича чуқур

таҳлилий материаллар ҳам бериб борилади.

С нового учебного года в Наманганской области решено ввести для каждой отдельной школы единую учебную форму.

В связи с этим во всех школах области прошли смотр ученической одежды. Причем на выбор педагогов, родителей и самих учащихся было представлено по несколько различных моделей. Четыре специализированные профессионально-технические школы области уже приступили к выполнению первых заявок.

(ЎЗА).

# ВАТАН ХИЗМАТИ—МУҚАДДАСДИР

# Машқлар ниҳоясига етди

Истиқлолдан сўнг Республикамиз ҳаётида бўлаётган ривожланишларга ҳарбий соҳадаги ўзгаришлар ҳам кирди. Шу ўринда мен халқимизнинг ҳарбий соҳага, армияга бўлган қизиқишини, муносабатини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Эсимда бор, бундан уч-тўрт йил аввал ҳарбий хизматдан бўйин товлаган, ҳатто қочган йигитлар ҳақида эшитиб ажабландим. Бугун бу ҳақида, ушбу ҳаракатлар кўпчилигининг Республикамиз мустақиллигини ҳали тўла тушуниб етмаганликлари оқибатида содир бўлган, деган ҳулосага келиш мумкин.

Бугунга келиб халқимиз озодлигини тўла англаб етди. Аини кулларда Қуролли Кучларимиз сафларида бундай ҳолатларнинг учрамастлиги, аксинча, ҳарбий хизматга йигитлар ўзи ариза бериб келётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Яқинда мен Миллий гвардия қисмида бўлганимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим: У ерда бир гуруҳ аскар йигитлар билан суҳбатлашиб, уларнинг хизматлари ҳақида яхшигина тасаввурга эга бўлдим. Қўқонлик оддий аскар Зокиржон Исроилов жумладан шундай деди:

— Хизматга келганимга ҳали икки ой бўлгани йўқ. Бу ерда келиб тез фурсатда кўплаб жанговар машқларни ўзлаштириб олдим, кўплаб дўстлар орттирдим. Хизматнинг яна бир томони менга ёқди, бу ерда турли феъл-атворли тенгдошларинг билан яшайсан, бир-бирдан қизиқарли хислатларга дуч келасан. Бу эса сенинг одам танишингга катта ёрдам беради.

**Оддий аскар Илҳомжон Усмонов, қувалик:**

— Мен ҳам ўртоғим қатори хизматга келганим. Очинини айтсам, армия ҳаётига бунчалик қизиқиб кетаман, деб ўйламагандим. Офицерларнинг умумаласи, турли жанговар машғулотлар шижоатимизни янада орттиради. Мен ушбу қисмда ўз ҳарбий бурчимни ўтаётганим билан фахрланаман.

Дарвоқе, йигитларнинг иккаласи ҳам ҳарбий хизматга ўз аризасига биноан қақиртилган. Бунинг сабабини сўрасам, йигитлар камтарлик билан кулиб қўйишди. Мен бу самимий жилмайишни қўйидагича тушундим:

«Ватан хизмати — ҳар нарсадан муқаддасдир».

**Б. ПИРНАФАСОВ, ТошДУ талабаси.**

## „Темир қушлар“нинг тунги парвози

Уқув машғулотларини муваффақиятли бошлаган авиаэскадрильячилар эндиликда тунги учуш машқларини ҳам шараф билан ўташмоқда.

Маълумки, тунги жанговар машқлар бошқаларига қараганда анча мураккаб ҳамда мароқли бўлади. Мураккаблиги шундаки, қоронғу тун пардасини ёриб ўтиб, мўлжалдаги вазифани аниқ удалашга тўғри келади. Гарчи қаршилиқлар бўлсада, учувчидан белгиланган объектни ўз вақтида иштол этиш ва ўзига бириктирилган топшириқни маромига етказиб адо этиш талаб қилинади.

Бунинг яхши ҳис қилган капитан Зариф Олаберганов тунги жанговар машқларнинг кўнгилдагидек ўтишини таъминламоқда. У учувчиларнинг ҳар бирига эринмасдан катта вазифа устидан турганлигини қайта-қайта тушунтириб, ердан уларнинг ҳаракатини бошқариб турибди.

— Самолётда тунги машқларни маромига етказиб бажарган катта лейтенант Темур Аджумеровнинг маҳоратига қойил қилиш керак, — деди у. — Вертолётда эса лейтенант Аббос Усмонов-хўжаевнинг устаси фаранглиги шундоққина кўриниб турибди. У ҳавода ҳар хил «ўчин»лар ясаб, душманини чалғитиб қўйишга ҳам қодир. Ҳақиқатан ҳам авиаэскадрильячиларнинг тунги



учуш машғулотлари жозибалидек бўлиб кўрингани билан ниҳоятда оғир. Касб маҳоратларини ошираётган учувчи-офицерлар бунинг яхши билди. Ана шунинг учун ҳам кеча-ю кундуз тиним билмай «темир қуш»лар билан «тиллаш»моқда. Унинг тунги парвозидан ўзларига керакли малака ва кўникмаларни ҳосил қилишаётир. Биз эса уларга «Парвозингиз доимо ана шундай тинч ва осуда осмон қўйнида ўтсин», дея тилан билдирамиз.

**У. ДУСТЕРОВ.**

Суратда: биринчи даражали мутахассис, катта лейтенант Муродбой Султонов, рован янги парвоз олдинда техник тайёргарлик машғулотини ўтамоқда.

**Ж. НУРАБУЛЛАЕВ** суратга олган.

## ИЗ БМП-2 В «ЯБЛОЧКО»

На завершающем этапе первого года учебы курсанты нашего взвода Ташкентского ВОКУ выполняли упражнение учебной стрельбы из боевой машины пехоты. Скажем прямо, не всем будущим заместителям по работе с личным составом с первого раза удалось показать отличные результаты. Но и в нашем взводе нашлись настоящие снайперы.

Сержант Х. Махмудов, курсанты Н. Амонов, Ш. Аскоров и С. Султанов стреляли без промаха. Как сказал преподаватель, руководивший стрельбой, они все пули послали в «яблочко».

**Курсант А. МУХИТДИНОВ.**

## ҲАМЖИХАТЛИК ИЛА

Она-Ватанимизнинг мард ва жасур, бурча содиқ посбонлари қатори бизнинг бўлимамиз шахсий таркиби ҳам Умумҳарбий Низом талабларидан оғинмай хизмат қилмоқда. Фаол ўтказилаётган ёзги мавсум ўқув машғулотларида ўз билли ва маҳоратларини янада такомиллаштиратган посбонлар ҳар жабҳада наму-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

тахти Тошкент ва маънавиятга бой қадимий шаҳарлари — Самарқанд ҳамда Бухоро билан, ўзбекистонликлар билан танишганимдан жуда-жуда бахтиёрман. Ўзбек халқи ўта меҳнатқаш, хушмуомала халқ. Бу халқнинг ўз келажагини ўзи яратётганидан мамнун эканлиги, фахрланаётгани шундоқ сезилиб турибди. Интилиш, ҳамжихатлик бор жойда эса, албатта ривожланиш, тараққиёт бўлади, бундай давлатнинг келажиги — албатта буюк бўлади.

«Кооператив Наггет-97» ҳарбий машқларида қатнашаётган офицеру аскарларнинг биронтаси ҳақида салбий фикр айта олмайман. Негак, уларнинг барчаси тартиб-интизомли, ҳар бир топшириқни ўз муддатида ва талаб даражасида бажаришга қодир. Бу — уларнинг саъй-ҳаракатию, ҳарбий машқларни адо этиш жараёнида яққол сезилиб турди. Ўйлайманки, мазкур машқлар якуний нати-

жаларида Ўзбекистон взводи ҳам энг яхши иштирок этган жамоалар қатори қайд этилади. Мен Ўзбекистон халқига, Ўзбекистон ҳарбийларига ижодкорлик меҳнатларида, ҳарб илмини янада мукаммал эгаллашларида муваффақиятлар тилайман.

Ҳа, мазкур ҳарбий машқлар якунига бағишланган тантанана ҳам кўп вақт қолгани йўқ. Ўйлайманки, бу ерда тенглар ичида тенг — Ўзбекистонимиз Байроғи ҳам балан кўтарилиб, мағрур ҳилирайди. Юқори минбардан она-Ватанимиз ва унинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури бўйича ўтказилган «Кооператив Наггет-97» ҳарбий машқларида фаол қатнашган взводи номи баралла тараблиб, дилларга тароват, қалбларга фахр-ифтихор бахш этади.

**Майор Х. ЖУМАНАЗАРОВ,** «Ватанпарвар»нинг махсус мухбири, АҚШ, Луизиана штати, Форт-Полк ҳарбий базаси.



Суратда: катта сержант Х. Хусанов ҳайдовчи оддий аскар Р. Қамбаровга тажрибаларидан ўргатмоқда.

**Ж. НУРАБУЛЛАЕВ** олган сурат.

## МАРШРУТАМИ БОЕВОГО МАСТЕРСТВА

По итогам тактических занятий были отмечены многие солдаты и сержанты. Среди них — рядовой Мирсаид Набиев. Он внес весомый вклад в успешное выполнение личным составом подразделения учебно-боевых задач. Глубокие теоретические знания, практические навыки, смелость, решительность, внимательность, физическая выносливость, должная техническая, тактическая, военная инженерная и огневая подготовка — все было продемонстрировано солдатом.

Один лишь перечень бойцовских качеств война вызывает вопрос: о каком специалисте идет речь? Любой механик-водитель боевой машины сразу скажет, что рядовой Мирсаид Набиев — его коллега по военной профессии. И будет прав. Потому что механик-водитель современного танка, САУ, БМП или БМД только при наличии вышеперечисленных качеств может соответствовать своему назначению. Рядовой Мирсаид Набиев еще до выхода в поле произвел тщательный контрольный осмотр боевой машины. Привел ее в полную боевую готовность. Трудная это была работа? Конечно. Ведь солдат имел дело с тяжелыми деталями и инструментами, работал не час и не два. А чувствовал себя нормально, потому что обладает физической силой, выносливостью.

Марш проходил по горно-пустынной местности. В ходе его приходилось отражать атаки «противника» с земли и с воздуха, преодолевать участки «зараженной» местности. За рычагами боевых машин механики-водители находились несколько часов подряд. С предельной сосредоточенностью управляли боевой техникой рядовые М. Набиев, М. Дарвишев, Х. Бегметов и другие. Они мгновенно реагировали на любые неожиданности. Так, когда на пути движения встретился полутораметровой ширины ров, они с ходу преодолели его на большой скорости. Тактические занятия продолжались. По дальнейшим действиям механиков-водителей было видно, что они многое делают для повышения «живучести» машин в бою, благодаря хорошей подготовке в вопросах фортификации, маскировки, а также разведки и преодоления минно-взрывных заграждений. Учебно-боевые занятия показали возросшую боевую выучку воннов всех специальностей, в том числе и механиков-водителей. Перед Вооруженными Силами Узбекистана стоит задача повышения надежности войск, совершенствования владения находящейся на вооружении техникой. Профессиональная учеба специалистов, определяющих боевую способность общевойсковых подразделений, механиков-водителей танков, боевых машин пехоты, артиллерийских и зенитных самоходных установок совершенствуется постоянно.

Следует также сказать, что механики-водители напрямую причастны к режиму жесткой экономии горюче-смазочных материалов. Вонны дают немалый экономический эффект в боевых подразделениях: у наиболее передовых из них на машинах отсутствует подтекание ГСМ и охлаждающей жидкости. Техническим условиям машины строго соответствуют все регулировки. Высокое мастерство водителей в управлении техникой, грамотное техническое обслуживание продлевают межремонтные сроки эксплуатации машин. Подавляющее большинство воннов, в том числе и упомянутые, ведут активную борьбу за то, чтобы впусную не расходовались моторесурсы. Летняя боевая учеба набирает темпы.

**А. АЛИМЖАНОВ,** майор запаса.

# ИБРАТЛИ ТАШАББУС САМАРАСИ

Турк лашкарлари хусусида XVII асрда яшаган Молдавия ҳукмдори Кантемир ушбу сўзларни айтади: «Турклар азалдан аскар бўлиб келишган. Жанговарлик қонларига сингиб кетган Турклар тарихидан ҳикоя қилгувчи асарларни кўп ўқидим. Билишимча, бу халқнинг кучли томони интизомсеварлиги, ҳаётнинг барча мушкулотларига доим тайёр турмоғи, машаққат-ушубатга, узоқ муддатли қийинчиликларга сабртоқатли бўлмоғидур. Турклар мана шу жиҳатдин авлодларини тарбияламоққа фавқулодда аҳамият беришган».

Чиндан ҳам, ана шундай хислатларга эга қўшин қўдратли, енгилмас бўлганига башарият тарихи шоҳиддир. Буюк бобомиз Амир Темур қўшинлари ҳам бу борада кўп халқларга ибрат бўлди.

1995 йилнинг 1 сентябрида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 153-мактабда республикада илк бор ҳарбий-спорт синфлари ташкил этилди. Ушунда бу ташаббусни, қўллаб-қувватловчилар билан бирга, унинг келажакига ишон-қирамай елка қисанлар, ҳатто кулганлар ҳам бўлди. Аммо, вақт — энг одил ҳакам. Ушбу йилда махсус

синфларда ўқиниш ишловчилар сони бир ўринга 6 нафарни ташкил қилди. Пойтахтимизнинг деярли барча туманларидан талабгорлар келди. Туман мудофаа ишлари бўлими тиббий комиссияси ҳамда мактаб имтиҳон ҳайъати даъвогарлар ичидан энг муносибларини саралаб олади.

— Биз олдимизга аниқ мақсадлар қўйганмиз, — дейди мактаб директори Анвар Қосимов, — бирламчи вазифамиз ўсирилари жисман ва маънан етув инсон этиб камолга етказиш. Синфларимиз ўқувчиларини республикамиз Қуролли Кучларида хизмат қилиш учун тайёрлайди.

Махсус ҳарбий-спорт синфларига 7-синфни тугатганлар қабул қилинади. 4 йил давом этувчи таълим жараёнида ўқувчилар турли фанларни, жумладан «Кемпо» фани асосларини ҳам ўзлаштирадилар. Бу янги фан Шарқ яққақурашлари келиб чиқш тарихи ҳамда уларнинг айни даврдаги ҳолатини талқин этади. Шунингдек, ўқувчилар Шарқ алломалари бебаҳо илмий меросини ўрганадилар, ҳарбу зарб санъати тарихи, стратегия ва тактикаси билан муфассал танишадилар. Бўлажак Ватан ҳимоячилари

ҳар қандай шароитда яшаб қола билиш каби ноёб билимлардан ҳам сабоқ оладилар.

Чақириқча тайёргарлик муаллими В. Ванюшкин бу ерда ажойиб спортчилар вояга етатганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Бунинг ажабланили жойи йўқ. Ўқув дастурига атлетизм, қўл жанги, дзю-до, ҳарбий-амалий спорт турлари киритилган. Нигитчаларга энг яхши спорт усталари мураббийлик қилапти. Дарвоқе, битирувчиларга ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳам берилади.

Ўқувчилар Чирчиқ гарнизоидаги ҳарбий қисмларга тез-тез ташириб буюриб, офицер ва оддий аскарлар билан мулоқотда бўлишади, уларнинг қўндалик ҳаётини кузатишади.

Маълумки, қилинаётган ҳар бир иш хотимаси, натижаси билан ўлчанади. Мазкур мактаб жамоаси қўл урган ишнинг натижаси эса ёмон бўлмади. Чунинчи, шу йилнинг апрель—май ойларида бўлиб ўтган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида мазкур мактаб ўқувчилари шаҳар бўйича мутлақ ғолиб бўлди. Республика миқёсида эса мерганликда улардан устун келувчилар топилмади.

Самбо, дзю-до курашлари бўйича ўтказиладиган республика беллашувларида мактаб тарбияланувчилари қатор-қатор совринли ўринларни қўлга киритишмоқда.

— Қаерда ўз касбига ихлос қўйган фидойилар бор экан, уша ерда иш равнақ топаверади, — сўзини давом эттиради директор, — катта-кичик ютуқлар фақатгина педагогларнинг хизматлари, дейишлик хато. Ташкил топганимиздан буён бизга ҳар жиҳатдан мадад бераётган туман халқ таълими ва мудофаа ишлари бўлими, ҳокимият, туман МК «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда ўқув хоналаримизни компьютерлар, кино видео қурилмалари билан жиҳозлашга кўмаклашган Миллий банк, «Симруз» фирмаси сингари бир қанча ҳомиёларимиздан жуда миннатдоримиз.

Мустақил юртимизга ўз Ватани, халқига содиқ, она замин учун жонини беришга тайёр асл ўғлонлар керак. Илк қаддирғоч бўлиши ушбу мактабда фидойи посбонларнинг янги авлоди етишиб чиқаяпти. Уларнинг сони тобора ортиб боражак.

**Д. ИКРОМОВ,**

Ҳамза тумани спорт-техника клуби кенгаши раиси.



**ВАШИНГТОН.** АҚШ давлат департаменти вакили Жоң Дингер Нью-Йорк шаҳрида Америка ва Шимолий Корея ҳукуматлари вакилларининг учрашуви бўлажани маълум қилди. Учрашувда оммавий йўриқни қуролларнинг тарқатмаслик, Кореяси ярим оролида бўлган урушда асир олинган ва бедарак йўқолган америкалик аскарларни топши масалалари кўрилади.

Ж. Дингернинг таъкидлашича, учрашувда КХДРга АҚШ томонидан қўшимча озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш масаласи ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

Швеция мудофаа вазири Бери Фон Сюдов расмий ташир билан АҚШга келди. Унинг Пентагон раҳбари Уильям Козин билан учрашувида НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури, Болтиқбўйи мамлакатлари қуролли кучлари ўртасидаги ҳарбий алоқалар, Босния ва Герцеговинадаги вазият билан боғлиқ мавзуларда сўз борди.

**РИГА.** Бу ерда Болтиқ денгизи мамлакатлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бошланди. Унда 11 мамлакатнинг ташқи сийсат маҳкамаси раҳбарлари иштирок этмоқда.

Маълумки, Швецияда ўтказилган аввалги анжуманда минтақада иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби масалалар кўрилган эди. Рига учрашувида ҳам асосий эътибор иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилиб, жумладан, 500 дан ортқ қўшма лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

**БИ.БИ.СИ** радиосининг хабар беришича, Американинг 50 нафар сийсатшуноси мамлакат президенти Клинтонга НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши сийси жиҳатдан ҳам хато эканлигини таъкидлаб хат йўллашган. Қизиги шундаки, АҚШ давлат департаменти мазкур блок кенгайиши 25 миллиард долларга тушиши мумкинлигини чамалаб турганда, хат муаллифлари бу кўрсаткичнинг кўзда тутилган 5 баробар кўп бўлишини исботлашган.

Хат нафақат бир гуруҳ сийсатчиларнинг, балки мамлакат жамоатчилигининг ҳам мазкур жараёнга муносабатини акс эттиради.

**АЛБАНИЯ.** Бир неча ой давом этган оммавий тартибсизлик, қон тўкишлардан сўнг сайловлар бўлиб ўтди. Сайловда овоз бериш ҳуқуқи эга 2,2 миллион албанияликлардан 65 фоизи иштирок этди. Бунда 24 та партия парламентдаги 155 ўрин учун 1100 нафар номзодларини қўйишти. Сайловнинг яқини натижаларини ўрганиш ҳали давом этмоқда.

**ГОНКОНГ.** Россия Ташқи ишлар вазири Евгений Примаков Гонконгнинг Хитой тасарруфига ўтиши билан боғлиқ тантаналарда қатнашиб, Хитой ташқи ишлар вазири Цянь Цичэно билан учрашди. Ва мазкур тантана муносабати билан Россия президенти уларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

ЎЗА ва матбуот материаллари асосида тайёрланди.

## «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАЛҚ ХОТИРАСИДА

Оташин ватанпарвар инсон Фаизулла Хўжаев таваллудининг 101 йиллиги муносабати билан Жомбой туманидаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти жамоасида катта спорт тадбири ўтказилди.

«Кўпқураш» деб номланган ушбу спорт мусобақасида автомобиль мактаби биринчилиги учун ўқув гуруҳлари ўртасида кураш борди. Мусобақа шартига кўра, иштирокчи уч километр масофага югуриши, граната улоқтириши, ҳаво милтиғидан мўлжалга отиш, турникда тортилиши ва унда айланма ҳаракатлар қилиш ҳамда автомобилда тўсиқлардан ўтиш маъқулларини бажариши лозим эди.

Унда шахсий биринчилиги булунгурлик курсант Шерзод Ҳасанов қўлга киритди. Иккинчи ўринни жомбойлик курсант Зокир Турсунқулов эгаллаган бўлса, учинчи ўрин учун асосий даъвогар челақлик курсант Ҳамробек Бекназаров бўлиб чиқди.

Командалар ҳисобида аса биринчи ўринни жом-

бойликлар, иккинчи ўринни булунгурликлар, учинчи ўринни челақликлар эгаллашга муваффақ бўлди.

Мусобақалардан сўнг автомобиль мактаби жамоасининг тантанали йигини бўлиб ўтди. Унда мазкур мактабнинг шахсий тартиб ишлари бўйича директор ўринбосари Ш. Шавкатиев маъруза қилди. Маърузачи Ф. Хўжаевнинг ҳаёт йўлига тўхталар экан, унинг 1927 йилда мудофаага кўмаклашувчи ташкилотларни бирлаштириб, унга президиум раиси этиб сайланганлигини, ёшларга ҳарбий билимларини беришда ҳамда ёш мутахассис кадрларни тайёрлашда жонбозлик кўрсатганлигини санаб ўтди.

Бу тадбир иштирокчилари — уруш ва меҳнат фаришларида, байналминал жангчилар ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ингиллиш сўнгида мусобақа ғолиблари автомобиль мактаби спорт клуби кенгашининг эсдалик совринлари топширилди.

**У. ҲАЙДАВЛОВ,**

«Ватанпарвар» мухбири.

## ҚИСКА САТРАЛДАРДА ДАМ ОЛИШ ВА ДАВОЛАНИШ УЧУН — ЛАГЕРГА

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Наманган вилоят бўлими барча туманлардан камқонлик касалига дучор бўлган юз нафар бола учун санитарий тусидаги лагер ташкил қилди. Лагер ҳарajatларининг бир қисмини касабга уюшмалари вилоят кенгаши ўз зиммасига олди.

Болалар «Косонсой шойи тўқиш фабрикаси» акционерлик жамиятига қарашли шаҳар ташқарисидаги энг яхши лагерлардан бирига жойлаштирилди. Лагер ходимлари болаларнинг яхши дам олиши учун жуда яхши шароит яратиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Бундан ташқари, дам олаётган болалар тиббий ходимларнинг доимий назоратида бўлиб, зарур муолажа олади.

## СИРДАРЕЛИК ФЕРМЕРЛАР ФРАНЦИЯДА

Дунёда чорвачилик хусусан, фермерлик яхши ривожланган мамлакатлардан бири Франциядир. Шу боис ҳам, Сирдарё вилояти фермерлари бу мамлакатдаги ҳамкасблари билан яқиндан алоқа ўрнатганлар.

«Тасис» дастури асосида франциялик мутахассислар 2 йилдан буён сирдарёлик фермерлар билан ҳамкорлик қилади. Яқинда эса сирдарёлик фермерлардан 15 нафари икки ҳафта Францияга бориб келди. Бу ерда улар чорвачилик ва деҳқончиликда замонавий технологияларни жорий этишнинг самарали усуллари, француз фермерлари иш тажрибасининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш имконига эга бўлди.

(ЎЗА).

## У КАРТЫ РЕСПУБЛИКИ

### ПЛАТИТЕ ВОВРЕМЯ — ПОЛУЧИТЕ ПРИЗ

Насколько выгодно быть образцовым абонентом Наманганской телефонно-телеграфной станции показала лотерея, организованная ее работниками. Абонентам, внесшим аванс за услуги связи до конца года, было предоставлено право принять участие в лотерее, разыгранной этим предприятием связи.

Удача улыбнулась двадцати из 280 участников розыгрыша. Им вручены призы — телефонные аппараты «ДЭУ» и настенные часы, а также предоставлено право годовой льготной абонентной платы.

## ЗАОЧНАЯ ЭКСКУРСИЯ

### Дыхание истории

Территория подразделения, где служит старший лейтенант Шухрат Юсупов, издавна заветна у местных жителей крепостью. Причина в том, что здание — действительно крепость, с бойницами и высокими саманными стенами. Начало ее строительства относят к 1896 году.

Здесь воинво окружает особая атмосфера: каждый камень, мимо которого проходят они ежедневно, хранит дыхание истории, память о славных боевых традициях.

Наверное, поэтому закономерно воспринимается существование на территории подразделения музея, рассказывающего о прошлом части и края, в котором она дислоцирована.

Первый раздел посвящен военному периоду жизни подразделения. На стене — карта, прослеживающая его боевой путь. На столиках — подшивки газет военных лет, раскрытые на страницах, где повествуется о подвигах воинво части.

Чуть дальше — кровать и личные вещи Николая Анфиногенова — воина, погиб-

## ГОТОВИТСЯ ВЫСТАВКА

Бухарская городская палата товаропроизводителей и предпринимателей начала подготовку выставки изделий ремесленников-умельцев народных промыслов. Выставка будет приурочена к пуску Караулбазарского нефтеперерабатывающего завода и посвящена 2500-летию города. Потому и выставочные экспонаты, как оговорено в условиях их отбора, должны соответствовать этой тематике.

Уже отобраны для экспозиции подносы, чаши, кубини, выполненные мастерами-чеканщиками, творения золотшвейного искусства, изделия из каракуля и многое другое, рожденное творчеством и искусством бухарцев.

(ЎЗА).

**В. МУРАТХАНОВ,** корр. «Ватанпарвар».



(Окончание.  
Начало на 5-й стр.)  
19.35 Частный случай.  
19.50 «Семья Кэмпбеллов». 43-я и 44-я серии.  
20.55 Шесть новостей.  
21.05 Ток-шоу «Я сама». «Муж годится мне в отцы».  
22.00 Шесть новостей.  
22.15 «Династия 2» («Семья Колби»). 47-я серия.  
23.15 Те Кто.  
23.45 «Улица Желтая нить». 6-я серия.  
00.45 Шесть новостей.  
1.00 Дорожный патруль.  
1.15 Диск-канал.  
2.00 Знак качества.  
2.20 Диск-канал «Мелодии любви».

#### ЧЕТВЕРГ 10 ИЮЛЯ ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро».  
8.00 Новости.  
8.15 «Девушка по имени Судьба».  
9.00 Футбол. Чемпионат России.  
9.50 Клуб путешественников (с сурдопереводом).  
10.35 Домашняя библиотека.  
10.40 Смак.  
11.00 Новости.  
14.00 Новости (с сурдопереводом).  
14.20 «Последний лепесток». Мультфильм.  
14.45 До-ми-соль.  
15.15 Лето-го.  
15.40 «Гарри — снежный человек».  
16.05 ...До шестнадцати и старше.  
16.30 Вокруг света.  
17.00 Новости (с сурдопереводом).  
17.20 «Девушка по имени Судьба».  
18.05 «Счастливый принц». Мультфильм.  
18.30 Дженгльмен-шоу.  
19.00 Моя семья: теща и свекровь.  
19.45 Спокойной ночи, малыши!  
20.00 Время.  
20.40 Приключенческий фильм «Любовь последнего рыцаря».  
22.50 «Магия: мир сверхъестественного».  
23.20 Театр плюс TV. Сергей Маковецкий.  
24.00 Новости.  
00.15 Пресс-экспресс.

#### КАНАЛ «РОССИЯ»

7.00 Вести.  
7.35 Лукоморье.  
8.00 «Посмотри на себя».  
8.15 Россияне.  
8.30 «Клубничка».  
9.00 Вести.  
9.20 Бесконечное путешествие.  
9.55 «Санта-Барбара».  
10.45 Избранные.  
11.10 «Путешествие к за океанским алкоголикам». Док. сериал. Фильм 4-й.  
11.30 Ретрошлягер.  
12.00 Вести.  
12.15 «Колье Шарлотты». Худ. телефильм. 2-я серия.  
13.25 «Кто мы?» Историческая программа.  
14.05 «Эх, дороги!»  
14.45 «Темная для...»  
15.00 Вести.  
15.20 На пороге века.  
15.45 «Клубничка».  
16.15 Там-там новости.  
16.25 Лукоморье.  
16.50 «Посмотри на себя».  
17.00 Музыка на десерт.  
17.15 Россияне.  
17.30 Избранные.  
18.00 «Санта-Барбара».  
19.00 Вести.  
19.15 Добрый вечер.  
20.00 «Сергей Лемешев. Музыкальная история».  
21.00 Вести.  
21.40 «Ловушка для одинокого мужчины». Худ. фильм.

#### ТВ-6

8.00 Шесть новостей.  
8.10 Диск-канал.  
8.40 «Ветер в вихах». 68-я серия.  
9.10 Дорожный патруль.  
9.20 Рецепты от «Центра».  
9.45 Аптека.  
10.00 Шесть новостей.  
10.30 Документальный сериал «Великие ценности мира». «Великие пирамиды Гизы». Часть 1-я.

11.00 Назло рекордам.  
11.25 «Династия 2» («Семья Колби»). 47-я серия.  
12.15 Аптека.  
13.05 «Семья Кэмпбеллов». 45-я и 46-я серии.  
14.05 Знак качества.  
15.10 Мультфильмы «Тяв и Гав», «Цыпленок в клеточку», «Медвежонок и тот, кто живет в речке».  
15.50 Шесть новостей.  
16.00 Кинотеатр ТВ-6. История Государства Российского. «Агония». 1-я серия.  
17.20 Знак качества.  
18.05 «Флиппер». 5-я серия.  
18.35 Диск-канал.  
19.10 Аптека.  
19.20 Дорожный патруль.  
19.35 Частный случай.  
19.50 «Семья Кэмпбеллов». 45-я и 46-я серии.  
20.55 Шесть новостей.  
21.05 Ток-шоу «Сделай шаг».  
22.00 Шесть новостей.  
22.15 «Династия 2» («Семья Колби»). 48-я серия.  
23.15 Те Кто.  
